



05.01.2022 даги

REAL XIMIK MЧЖ ва Ўз.Рес Транспорт вазирлиги хузуридаги йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси ўртасида 11/01-22 - сонли шартномага 1325400,00 сўм умумий суммага тузилган

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 104
Шахсий ғазна ҳисобварақ 100010860262697045197104001

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
	4252500			Жами
Январь	1 325 400,00			1 325 400,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	1 325 400,00			1 325 400,00

Жами 1325400,00 сўм

Бир миллион уч юз йигирма беш минг тўрт юз сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 397620,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
***2022 январ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў.

(имзо)

Салихов Ф. М.

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Файзуллаев Г. Ф.

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.

СИҚИЛГАН ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА № 11/01-22

Бухоро тумани

“06” январь 2022 й.

“REAL ХИМИК” маъсулияти чекланган жамияти номидан жамият Низоми асосида иш олиб боровчи жамият директори С.С.Хотамов, бундан кейинги ўринларда “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб юритилади, ҳамда “Ўзйўлинспекция” номидан Низоми асосида иш олиб боровчи бошлиғи Ф.Салихов, бундан кейинги ўринларда “СОТИБ ОЛУВЧИ” деб юритилади, иккинчи томондан қуйидаги шартномани шу мазмунда туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” “СОТИБ ОЛУВЧИ”нинг хизмат автотранспорт воситасига газ тўлдириш компрессор шахобчаси (АГТКШ) орқали сиқилган газни етказиб беради, “СОТИБ ОЛУВЧИ” мазкур шартнома бўйича 564 м³ сиқилган табиий газ қабул қилади, жумладан чораклар бўйича:

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Жами 2022 йил учун жами ҳажм	Жумладан чораклар бўйича			
				I	II	III	IV
1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Сиқилган табиий газ	м ³	564,00	564,00			

1.2. Махсулот етказиб бериш - қабул қилиш, “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” нинг жойлашган автомобилга газ тўлдириш компрессор шахобчаси (АГТКШ) орқали “СОТИБ ОЛУВЧИ”нинг автомобили метан газ балонларига метан газ тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

1.3. Махсулот етказиб бериш вақти «СОТИБ ОЛУВЧИ»нинг автомобилметан газ балонларига газ тўлдириш вақти ҳисобланади.

2. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБИ

2.1. Автомобилнинг газ баллонига тўлдириладиган сиқилган газнинг шартнома тузиш вақтидаги нархи хар 1 (бир) м³ учун 2 350,00 (икки минг уч юз эллик) сўмдан (барча турдаги солиқлар қўшилган ҳолда) етказиб берилди. Шартноманинг умумий суммаси 1 325 400,00 (бир миллион уч юз йигирма беш минг тўрт юз) сўмни ташкил қилади.

2.2. Ҳом ашё махсулотлари (табиий газ, электр-энергия) ни нархлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда солиқ нормалар ўзгарганда, сиқилган газ нархи “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” томонидан ўзгартирилади. Сиқилган газ нархининг ўзгариши ёки шартноманинг бошқа бандларига киритиладиган ўзгартиришлар шартномага қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади.

2.3. Махсулотни етказиб бериш (автомобилни газ балонига газ тўлдириш) мазкур шартноманинг умумий қийматини 30% ини “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ”нинг ҳисоб рақамига олдиндан ўтказиб берилгандан кейин, қолган 70% ҳисобварақ-фактурага асосан амалга оширилади.

2.4. Агар “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” ҳамда “СОТИБ ОЛУВЧИ” ўртасида шартнома кейинги йил учун тузилса, жорий шартнома бўйича келиб тушган маблағларнинг қолдиқ суммаси йил учун тузилган шартнома бўйича олдиндан тўлов ҳисобида ҳисобга олинади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “СОТИБ ОЛУВЧИ” автомобилнинг техник ҳолатига, иш вақтидаги техник хавфсизлигига, автомобил газ балонининг ишга яроқлилиқ муддатига ҳамда ёнғин ва экология хавфсизлигига жавобгарлик мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. “СОТИБ ОЛУВЧИ” қуйидагиларга мажбур:

1. Техника хавфсизлигига, сиқилган табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва амалдаги тартибларига, автомобил газ баллонининг ишга яроқлигига ҳамда амалдаги қоидаларнинг бажарилишига;

2. Автомобил эҳтиёт қисмларини ва газ баллонни ишга яроқли ҳолда сақлаш, яроқлилик муддати ўтган газ балонли автомашинани АГТҚШ га киришини олдини олиш ва газ балонларини ишга яроқлилик синовини ўз вақтида ўтказишга;

3. Йўл варақасига автомобилни техник созлиги, автомобилдаги газ баллонининг сони ва унинг геометрик сиғими ҳақида белгиларни белгилашга;

4. Белгиланган тартибда автомобил газ балонига газ тўлдириш учун рухсатнома олишга.

3.3. Ишлаб чиқаришда “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” автомобилга газ тўлдириш компрессор шахобчаси (АГТҚШ)да компрессор ускуналари ва бошқа газ тўлдириш асбоб ускуналарини жорий ёки капитал таъмирланган тақдирда «СОТИБ ОЛУВЧИ» га жорий таъмир бошланишидан 3 кун ҳамда капитал таъмир бошланишидан 15 кун аввал огоҳлантиради.

3.4. “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” агарда “СОТИБ ОЛУВЧИ” томонидан белгиланган қоидалар, газ балон тўлдириш регламенти ва шартномада белгиланган шартлар бажарилмаган тақдирда, автомобилни сиқилган табиий газ билан таъминлаш тўхтатилади.

4. ҲИСОБ КИТОБ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

4.1. “СОТИБ ОЛУВЧИ” га берилган сиқилган табиий газнинг миқдори “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” нинг ўлчов воситаси орқали, яъни электрон газ тўлдириш қалонқалари орқали ҳисобланади. “СОТИБ ОЛУВЧИ” нинг автомобилга сиқилган газ билан таъминлаш автомобилга газ тўлдириш компрессор шахобчаси (АГТҚШ) да Давлат стандартлари асосида тасдиқланган регламентлар асосида (Регламент №418 13.01.95й) юритилади.

4.2 “СОТИБ ОЛУВЧИ” томонидан қўйилган сиқилган газ “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” томонидан «Сиқилган газ тарқатиш қайдномаси» орқали бир хил рақамдаги қайднома орқали икки нусхада юритилади ҳамда “СОТИБ ОЛУВЧИ” нинг автомобил хайдовчилари томонидан ҳар бир автомобилга қўйилган сиқилган газ миқдори ва суммаси имзо билан тасдиқланиб, ҳисобот ой якунида ҳисобварақ фактура орқали ҳисоб китоб қилинади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ушбу шартномада белгилангандан миқдордан ортиқча олинган сиқилган табиий газ учун қўшимча келишув орқали амалга оширилади. Агарда “СОТИБ ОЛУВЧИ” томонидан олинган табиий газ учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаган тақдирда, ўз вақтида тўлаб берилмаган суммадан ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.2. Томонлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда Ўзбекистан Республикаси қонунчилиги бўйича моддий жавобгардирлар.

6. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

6.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

6.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

6.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз,

устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

6.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, конунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда конунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) конунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига конуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

6.5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- улардан фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортикча тўловларни амалга оширмаслик.

7. ФОРС МАЖОР

7.1. “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” ва “СОТИБ ОЛУВЧИ” қуйидаги ҳолларда моддий жавобгарлик учун жавоб бермайдилар:

1. Магистрал газ трубаларда, шахар газ тармоғида ва электр энергия тармоғида авария ҳолатлари бўлган тақдирда олдиндан огоҳлантира олмаганлиги сабабли;

2. Ёнгин чиққанда, ер кимираши, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар рўй берганда.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Ушбу шартнома ҳар икки тараф томонидан имзоланиб Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўткандан кейин кучга киради ва 2022 йил 31 мартга қадар амал қиладди.

8.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккиси ҳам бир хил юридик кучга эга бўлиб 1 нусхаси “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” да 2 чи нусхаси “СОТИБ ОЛУВЧИ” да бўлади.

8.3. Ушбу шартнома бўйича юзага келган низоларни томонлар ўзаро хал эга олмаган тақдирда

Ўзбекистон Республикаси белгиланган қонунлари асосида Иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ:

“REAL XIMIK” МЧЖ

Манзили: Бухоро вилояти, Бухоро тумани,
Шехонча МФЙ
Тел.: (97) 281-00-51
Х/р: 20208000800364401001
Бухоро шаҳар “Агробанк” АТБ Бухоро
вилоят Худудий филиали
Банк коди: 00089
СТИР: 302 990 889
ИФУТ: 19200





Рахбар  С.С.Хотамов

БУЮРТМАЧИ:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт
вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари
сифатини назорат қилиш
инспекцияси
Манзили: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек
тумани, Мустақиллик кўчаси, 68 уй
Тел.: (71) 268-93-20
Ш/х: 100010860262697045197104001
СТИР: 305032312 ИФУТ: 84111
Молия вазирлиги қазначилиги;
Х/р: 23402000300100001010
Банк коди: 00014 СТИР: 201 122 919



Бошлиқ в.б.  Ф.Салихов

 А.Тўғиев
 Ф.Файзуллаев



O'zbekiston Respublikasi
Samarqand shahar hokimligi

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida

GUVOHNOMA

Reestrdaagi tartib raqami - 11408

№ 07257

2014 yil 30 iyun

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs

«REAL XIMIK»

Mas'uliyati cheklangan jamiyatiga berilgan

(o'zbek tilidagi to'liq nomi)

Tashkiliy-huquqiy shakli	THSh 1153
Mulkchilik shakli	MSh 142
Pochta manzili	MHOBT 1718401
Yuridik shaxs kodi	KIUT 25212855
Tarmog kodi	XXTUT 11330
Soliq ro'lovchining identifikatsiya raqami	STIR 302990889

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Inspeksiya boshlig'i



S. Shodiboev



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ЛИЦЕНЗИЯ

ЛВ № 3321

Мазкур лицензия билан

"REAL XIMIK"

(лицензия эгасининг тўлиқ номи)
масъулияти чекланган жамияти

га

Бухоро вилояти, Бухоро тумани, Шехонча ҚФЙда жойлашган
(рухсат этилаётган фаолият нури)
АГТКШ орқали сиқилган табиий газни сотиш

билан

шугулланишга рухсат этилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): Самарқанд шаҳри,
Махтумкули кўчаси, 9-уй

Лицензия эгасининг солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами: 302 990 889

Лицензия берилган сана: 2017 й. 12 сентябрь

Лицензиянинг амал қилиш муддати беш йил

Реестр бўйича тартиб рақами: № 2756

Ваколатли шахс: **Ғ. Ибрагимов**
(исми шарифи, фамилияси)

(имзо)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати _____ й. _____ гача
узайтирилди.

Ваколатли шахс: _____
(исми шарифи, фамилияси) (имзо)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати _____ й. _____ гача
узайтирилди.

Ваколатли шахс: _____
(исми шарифи, фамилияси) (имзо)

М.Ў.